

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ МИРЗОХИД МИРЗОЛИМ ЎҒЛИ

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ДАРСДАН ТАШҚАРИ
ВАҚТЛАРИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ СКАНДИНАВИЯ
УСУЛИДА ЮРИШНИ ҚЎЛЛАШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Азизов Мирзохид Мирзолим ўғли

Бошланғич синф ўқувчиларини дарсдан ташқари вақтларида
соғломлаштириш скандинавия усулида юришни қўллаш.....3

Азизов Мирзохид Мирзолим угли

Применение оздоровительной скандинавской ходьбы во
внеурочное время учащихся начальных классов.....33

Azizov Mirzokhid Mirzolim ugli

The use of recreational scandinavian walking by primary school students
outside of school hours..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 67

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ МИРЗОХИД МИРЗОЛИМ ЎҒЛИ

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ДАРСДАН ТАШҚАРИ
ВАҚТЛАРИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ СКАНДИНАВИЯ
УСУЛИДА ЮРИШНИ ҚЎЛЛАШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Ped2304 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzdjtsu.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Керимов Фикрат Азизович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Усмонходжаев Талат Саидович
педагогика фанлари доктори, профессор

Кипчаков Баходир Бахритдинович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “18” “март” соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «В» биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21084 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «А» биноси, 1-қават, 111-аудитория).

Диссертация автореферати 2022 йил “7” “март” кuni тарқатилди.

[2022 йил “7” “март” даги 10 рақамли реестр баённомаси].



М.Р.Болтабаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.д. (PhD), доцент

Р.М.Маткаримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, п.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг барча таълим муассасалари хусусан умумтаълим мактаби ўқувчилари орасида оммавий спортни ривожлантириш, жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш ҳамда саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал имконият ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда соғломлаштиришга қаратилган дарсдан ташқари машғулотларни замон талабларига мослаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия ҳамда дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида илғор инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, мустақил фаолият олиб боришни таъминловчи, янги спорт турларини амалиётга жорий этиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда таълимни модернизациялаш билан бир қаторда жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан ташқари машғулотлар самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларидан унумли фойдаланган ҳолда уларнинг функционал ва жисмоний тайёргарлиги ҳамда жисмоний сифатларини ривожлантиришга қаратилган илмий-услубий ишлар амалга оширилган. Аммо умумтаълим мактабларида морфофункционал ва жисмоний тайёргарлик даражаси турли хил бўлган бошланғич синф ўқувчилари учун, мустақил равишда машғулотларни ўзлаштиришга имкон берувчи соғломлаштиришга қаратилган муаммоларни етарлича ўрганилмаганлиги, унинг заруриятини изоҳлайди.

Республикамизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги асосий масалалардан бири ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равишда шуғулланишини таъминлашга қаратилмоқда. “Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш аҳолини айниқса ёш авлодни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт шароитлар яратиш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш”¹ масалалари муҳим аҳамиятга касб этмоқда. Бугунги кунда умумтаълим мактабларида синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган жисмоний тарбия машғулотлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-методик ишлар тўлалигача ўрганилмаганлиги, бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларидан унумли фойдаланиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий технологиялар ёрдамида жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга қаратилган механизмларнинг тизимлаштирилмаганлиги, бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлигини мустаҳкамловчи, функционал ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширувчи махсус

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 6 июнь, 1111 (6805)-сон.

скандинавия усулида юришни жисмоний тарбия дарслари ва дардан ташқари машғулотлар дастурига киритиш заруриятини кўймоқда. Шунингдек бошланғич синф ўқувчиларнинг жисмоний ва функционал имкониятларидан келиб чиқиб, скандинавия усулида юришни инновацион технологиялар ёрдамида ўргатиш шу ўринда илмий ва амалий тажрибага асосланган тадқиқот ишларини амалга ошириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлар доирасига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга доир илмий-методик адабиётларнинг таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, республикамизнинг бир қатор олимлари Т.С. Усманходжаев, Ф.Г. Хўжаев, И.А. Кошбахтиев, А.Ш. Абдуллаев, Ш.Х. Ханкельдиев, Р.С. Саламов, Л.З. Холмуродов, И.И. Саидов ва бошқалар соғломлаштириш ва жисмоний тарбия муаммоларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқот натижалари алоҳида эътиборга сазовор². Бошланғич синфларда соғломлаштириш йўналишидаги жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш муаммолари бўйича К.М. Махкамжонов, Ш.Ў. Атамуродов, Ш.Д. Абдуллаев, З.Ш. Юсупова ва бошқалар томонидан изланишлар олиб борилган³.

² Усманходжаев Т.С., Хўжаев Ф.Г. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарслари. Ўқув қўлланма. – Т., 1996. – 204 б.; Кошбахтиев И.А. ва бошқалар Валеология асослари Жисмоний тарбия институти ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия факультетлари учун дарслик. – Т., 2005. – 252 б.; Абдуллаев А., Ханкельдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти: Жисмоний тарбия институти ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия факультетлари учун дарслик. – Т., 2018. – 268 б.; Саламов Р.С. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. 1 жилд. – Т.: Илмий техника ахбороти пресс нашриёти, 2018. – 296 б.; Саидов И.И. Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбия машғулотларида соғломлаштиришнинг ташкилий-услубий хусусиятлари. – Дис...(PhD): Чирчиқ. 2019. – 115 б.; Холмуродов Л.З. Махсус жисмоний машқлар орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш. – Дис...(PhD): Чирчиқ. 2019. – 126 б.

³ Махкамжонов К.М. Жисмоний тарбия. 4-синф ўқувчилари учун ўқув қўлланма. Т.: 2017. – 173 б. Атамуродов Ш.Ў. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия ишлари. Ўқув қўлланма. – Т., 2018. – 139 б.; Абдуллаев Ш.Д. Юсупова З.Ш. Бошланғич синфларда жисмоний соғломлаштириш технологиялари. Ўқув услубий қўлланма. – Т., 2019. – 80 б.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида жисмоний тарбия ва соғломлаштириш муаммолари бўйича А.А. Гужаловский, И.Г. Дукальский, Т.Г. Сулимова, В.П. Губа, О.Б. Серегина, В.А. Эрмаков, А.Н. Каинов ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланиб келинмоқда⁴. Скандинавия усулида юриш бўйича А.А. Полетаева, Н.Т. Станиский, А.В. Волков, Э.А. Земба, Н.Т.Станский, А.А. Алексеенко, В.А. Колошкина, О.Б. Никольская, Т.В. Мескивич, Т.Е. Старовойтова, А.В. Земятина, С.Н. Гаврюк, А.Н. Линдербург, А.А. Малеванный, Е.В. Глазова, Е.А. Кудрявцева, В.А. Шемятхин, И.М. Добрынин, М.Д. Кочеткова, И.В. Соколова, А.С. Радченко, Н.И. Привозникова, И.А. Кубанов, Е.В. Чистякова ва бошқалар томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган⁵.

Хорижий олимлардан J. Willson, P. Kocur, C. Oakley, W. Claire, C. Walter, M. Hagen, S. Giroid, B. Gram, B. Pellegrini ва бошқа олимлар томонидан соғломлаштирувчи скандинавия усулида юришни, бошқа спорт турларига нисбатан, инсон организмига таъсирини аниқлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган⁶.

Ўтказилган илмий-услубий адабиётлар таҳлилидан кўринадики, бугунги кунда тадқиқот мавзуси доирасида нашр этилган баъзи бир услубий

⁴ Гужаловский А.А. Развитие двигательных качеств у школьников. – Минск: Нар.расцвета, 1978. – С. 88.; Дукальский И.Г. Динамика двигательных способностей и физической культуры, - №3. – М., 1990. – С. 15-17.; Сулимова Т.Г. Особенности тестирования и оценки физической работоспособности у детей и подростков: Автореф. дис. кан. биолог. наук. – Краснодар, 1997. – 22 с.; Губа В.П. Оценка физического развития детей по данным морфологических наблюдений // Теория и практика физической культуры, №3. – М., 1998. – С. 32-33.; Серегина О.Б. Формирование мотивационно ценностного отношения к физической культуре у младших школьников: Автореф. дис. кан. пед. наук. – Тула, 1999. - 23 с.; Эрмаков В.А. Теория и технология дифференцированного физического воспитания детей и учащейся молодежи: дис. канд. биолог. наук. – Тула 1999. - 23 с.; Каинов А.Н. Дифференцированная оценка физической подготовленности школьников: Автореф. дис. кан. пед. наук. – ВГАФК. – Волгоград. 2004. - 24 с.

⁵ Полетаева А.А. Скандинавская ходьба. Здоровье легким шагом. М., 2012. - 60 с.; Станиский Н.Т. Исследование эффективности занятий скандинавской ходьбой. – М., 2013. - 150 с.; Волков А.В. Северная ходьба – Санкт Петербург, 2014. - 105 с.; Земба Э.А. Ходьба и плавание как оздоровительное направление подготовки студентов: метод. указания к практ. – Красноярск. 2015. - 38 с.; Станский Н.Т., Алексеенко А.А., Колошкина В.А. Основы методики занятий скандинавской ходьбой: метод. рекомендации. – Витебск, 2015. - 32 с.; Мискевич Т.В., Старовойтова Т.Е. Оздоровительная ходьба. методические рекомендации. Могилев 2016. - 54 с.; Земятина А.В. Скандинавская ходьба как физкультурно-оздоровительная технология: Учебное пособие. – Томск, 2016. - 44 с.; Гаврюк С.Н. Скандинавская ходьба: активность, сила, долголетие. Теоретическое и практическое пособие. – Киев, 2016. - 61 с.; Линдберг А.Н. Скандинавская ходьба и джоггинг против болезней. Практический курс естественного: Учебное пособие. – Вектор - 2016. - 116 с.; Малеванный А.А., Глазова Е.В. Скандинавская ходьба: история развития, исследования пользы и методологические основы: Учебное пособие. – Иркутск, 2017. – 102 с.; Кудрявцева Е.А., Кочеткова М.Д. Скандинавская ходьба в учебном процессе студентов: учеб. Пособие. – Красноярск, 2017. - 96 с.; Шемятхин В.А., Добрынин И.М. Влияние скандинавской ходьбы: Учебное пособие. – Екатеринбург, 2020. - 132 с.; Соколова, А.С. Радченко, Н.И. Привозникова, И.А.Кубанов, Е.В. Чистякова. Скандинавская ходьба: от теории к практике: монография. – Москва, 2020. – 164 с.

⁶ J. Willson. Effects of walking poles on lower extremity gait mechanics / [et al.] // Med Sci Sports Exerc. 2001. № 33. - P. 142–147.; P. Kocur. Nordic Walking – a new form of exercise in rehabilitation / P. Kocur// Medical Rehabilitation. – 2006. – № 10(2). – P. № 1-8.; C. Oakley. Nordic poles immediately improve walking distance in patients with intermittent claudication / C. Oakley [et al.] // Eur J Vasc Endovasc Surg. 2008. Vol. 36, № 6. - P. 689–694.; Claire W. Nordic Walking : The Complete Guide to Health, Fitness, and Fun / W. Nordic Claire. Hatherleigh Press, 2009. - 208 p.; C. Walter. Nordic Walking: The Complete Guide to Health, Fitness and Fun // Hatherleigh Press. - 2009. - 199 p.; M. Hagen. Lower and Upper Extremity Loading in Nordic Walking in Comparison with Walking and Running / M. Hagen [et al.] // Journal of Applied Biomechanics. – 2011. – № 27(1). – P. 22-31.

тавсияларни ҳисобга олмаганда, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларидан унумли фойдаланиб, скандинавча юришни қўллашда инновацион методлардан фойдаланган ҳолда, саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга бағишланган махсус монографик тадқиқотлар мавжуд эмас. Бошланғич синф ўқувчиларнинг жисмоний ва функционал имкониятларини инобатга олган ҳолда дарсдан бўш вақтларидан унумли фойдаланиб, янги замонавий ёндашувлар асосида, саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга оид муаммоларни ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари истиқболли режасининг И-2017-1-14/3 “Ўқувчи ёшлар учун олимпия таълимининг самарали тизимини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларига скандинавия усулида юришни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида қўллаш орқали ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, функционал ривожлантириш ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларнинг жисмоний ҳолатидан келиб чиқиб дарсдан ташқари машғулотларда ёрдамчи ва махсус жисмоний тайёргарликни мустаҳкамловчи ҳамда функционал базани яратишга йўналтирилган методика бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларининг антропометрик, морфофункционал ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, ҳаракатли ўйинлар, гимнастика ва скандинавия таёкчалари ёрдамида бажариладиган, жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

дарсдан ташқари вақтларида скандинавия усулида юриш билан шуғулланувчи бошланғич синф ўқувчиларини саломатлигини мустаҳкамлаш, функционал ривожлантириш ва ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга асосланган, мустақил фаолият олиб боришни таъминловчи инновацион машғулот дастурини ишлаб чиқиш;

скандинавия усулида юриш билан шуғулланувчи бошланғич синф ўқувчиларининг функционал ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги ҳамда саломатлик ҳолатини баҳолаш кўрсаткичларини мажмуавий назорат қилишда ҳозирловчи машқлар тизимини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани 2–умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқувчилари билан олиб бориладиган дарсдан ташқари машғулот жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини бошланғич синф ўқувчиларига соғломлаштирувчи скандинавия усулида юришни дарсдан ташқари вақтларда қўллашга қаратилган инновацион методлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатувлар, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, ҳамда тадқиқот натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ҳолатидан келиб чиқиб скандинавия усулида юришда дарсдан ташқари машғулотлар учун ёрдамчи ва махсус жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаш ҳамда функционал базани яратишга йўналтирилган уч босқичли (triple control) методикани ишлаб чиқиш ҳисобига ўқувчиларга берилаётган юкламани мақсадли бошқариш имконияти такомиллаштирилган;

скандинавия усулида юриш билан шуғулланувчи бошланғич синф ўқувчиларининг антропометрик, морфофункционал ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини инобатга олиб ҳаракатли ўйинлар, гимнастика ва скандинавия таёқчалари ёрдамида бажариладиган махсус машқлар мажмуасини учта методик блокка жисмоний сифатларга таъсири бўйича машғулотга киритиш ҳисобига скандинавча юриш техникасига ўргатиш методикаси такомиллаштирилган;

дарсдан ташқари вақтларда скандинавия усулида юриш билан шуғулланувчи бошланғич синф ўқувчиларини саломатлигини мустаҳкамлаш, функционал ривожлантириш ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга йўналтирилган инновацион машғулот дастурига юриш тезлиги, машғулот даражаси, машқни давомийлиги, такрорланиш сони, мусобақа режими ва тикланиш жараёнини аниқловчи (Skan.Xod-2) методикани ишлаб чиқиш ҳисобига ўқувчиларнинг мустақил назарий ва амалий ўзлаштириш имконияти кенгайтирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг функционал ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги ҳамда саломатлик ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари бўйича вақт бирлиги ичида босиб ўтган масофасини ҳафталик машғулотлар сонига нисбатан йиғилган балларини мажмуавий назорат қилиш учун ҳозирловчи машқлар тизимини (ҳаракатли ўйинлар, гимнастика ва скандинавия таёқчалари ёрдамида бажариладиган махсус машқлар) ишлаб чиқиш ҳисобига скандинавия усулида юриш машғулотларининг организмга таъсир этиш имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан ташқари вақтларида скандинавча юриш воситаларидан фойдаланиш, машғулотлар давомида ўз самарасини кўрсатиб, ўқувчиларининг саломатлиги, функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилиши аниқланган;

скандинавча юриш билан шуғулланувчи бошланғич синф

ўқувчиларининг соғлиқ ҳолати ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

скандинавча юришнинг бошланғич синф ўқувчиларнинг организмига таъсири аниқлаб, мазкур юришнинг фойдали томонлари ўрганилиб амалиётга жорий этилган;

турли хил жисмоний тайёргарлик даражасига эга бўлган ўқувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама жисмоний ривожлантириш ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган ёндашувлар, ватанимиз ҳамда хорижий давлатлар олимларининг фикр мулоҳазаларига асосланганлиги, усуллар ва назарий материалларнинг расмий манбалардан олинганлиги, олиб борилган тажрибаларнинг натижалари математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида ишлаб чиқилганлиги билан асосланиб, компьютер техникаси ёрдамида олинган маълумотлар ва натижалар қайта ишлаб чиқилганлиги ҳамда мазкур ишда берилган хулосалар ва илмий тавсияларнинг ишончлилиги ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларининг турли хил жисмоний тайёргарлиги, индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда, дарсдан ташқари машғулотларда соғломлаштиришга йўналтирилган скандинавия усулида юришни қўллаш, бошланғич синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти фани мазмунини бойитади, ҳамда кенгайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқувчилари билан олиб бориладиган дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилишда, ўқув қўлланмалар ва инновацион методлардан фойдаланган ҳолда турли хил жисмоний ва функционал имкониятларга эга бўлган бошланғич синф ўқувчиларининг, саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчиси касбий фаолиятини ривожлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан ташқари вақтларида соғломлаштирувчи скандинавия усулида юришни қўллаш орқали олинган илмий натижалар асосида:

бошланғич синф ўқувчиларининг скандинавия усулида юришда дарсдан ташқари машғулотлар учун ёрдамчи ва махсус жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаш ҳамда функционал базани яратишга йўналтирилган уч босқичли (tripple control) методикаси Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани 2 – умумтаълим мактабида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2021 йил 8 июльдаги буйруғига асосан 11872 рақамли гувоҳнома). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиш кўрсаткичи 12,1 %

га, саломатлик, жисмоний тайёргарлик даражаси 11,9 % га ошганлиги аниқланган;

Ўқувчиларининг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, ҳаракатли ўйинлар, гимнастика ва скандинавия таёқчалари ёрдамида бажариладиган, жисмоний сифатларга таъсири бўйича бешта методик блокка тақсимланган махсус машқлар мажмуаси Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани 2 – умумтаълим мактабида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги 2021 йил 29 ноябрдаги 03-17-02/11072 сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларидан унумли фойдаланишга, саломатлик даражаси, морфофункционал ҳолати оширишга, умумий жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари 11,5 % га, махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари 12,3 % га яхшиланишига эришилган;

дарсдан ташқари вақтларида скандинавча юриш билан шуғулланувчи бошланғич синф ўқувчиларини саломатлигини мустаҳкамлаш, функционал ривожлантириш ва ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш мақсадида (Skan.Xod-2) инновацион машғулот дастури Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани 2 – умумтаълим мактабида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2021 йил 20 октябрдаги буйруғига асосан 12768 рақамли гувоҳнома). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг чидамлик сифати 13,7 % га, Тезлик-куч сифати 11,6 % га, чاقқонлик сифати 10,7 % га, эгилувчанлик сифати 9,8 % га ривожлантиришга эришилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги ҳамда соғлиқ ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари бўйича йиғилган балларни мажмуавий назорат қилиш учун ҳозирловчи машқлар тизими Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани 2 – умумтаълим мактабида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги 2021 йил 29 ноябрдаги 03-17-02/11072 сон маълумотномаси). Натижада турли хил жисмоний тайёргарликка эга бўлган бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериб, жисмоний тайёргарлик кўрсаткичи 12,5 % га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда ҳамда Наманган давлат университети “Жисмоний маданият” ва “Спорт фаолияти” кафедраларининг кенгайтирилган мажлисида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, шу жумладан, хорижий илмий журналда 1 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулосалар ва амалий тавсиялар, иловалар ва фойдаланилган

адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 151 саҳифа матни, 16 та жадвал ва 25 та расмда қайд этилган диаграммалардан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларининг назарий услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий асослари, жисмоний тарбия дарсларини ташкил этишнинг илмий педагогик асослари, бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш муаммолари, скандинавия усулида юришнинг жисмоний тарбия ва соғломлаштиришда аҳамияти ва мазкур юришнинг бошланғич синф ўқувчилари организмига таъсири ҳамда ўқувчиларнинг жисмоний тарбиялаб, саломатлигини мустаҳкамлашда скандинавия усулида юришнинг аҳамияти баён қилинган.

1 – жадвал.

**Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг сўнгги 5 йил давомида
умумий касалланиш ҳолати фоизларда
(Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида)**

№	Умумтаълим мактаби ўқувчилари	Фоизлар	Кўп учрайдиган касалликлар
1	Бошланғич синф ўқувчилари	60 %	қадди-қоматнинг бузилиши
2	Умумий ўқувчилар	20-30 %	асабий-рухий таъсирчанлик
3	Умумий ўқувчилар	30-40 %	юрак-қон томир фаолияти касалликлари
4	Умумий ўқувчилар	45 %	турли хил сурункали касалликлар
5	Битирувчи ўқувчилар	50 %	кўриш қобилятининг пасайиши

Маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики соғломлаштириш ва жисмоний тарбия муаммолари бўйича Т.С. Усманходжаев, Ф.Г. Хўжаев (1996), И.А. Кошбахтиев (2005), Ж.А. Абдуллаев, Ш.Х. Ханкельдиев (2018), Р.С. Саламов (2018), Л.З. Холмуродов (2019), И.И. Саидов (2019), каби мутахассислар ўзларининг илмий-услубий ишларида соғломлаштиришда жисмоний тарбиянинг асосий ўринда эканлигини таъкидлаган. Ушбу илмий-услубий ишларда бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларида олиб бориладиган машғулотлар бўйича маълумотлар етарлича берилмаганлиги ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларидан унумли фойдаланиш ечимини топиш муҳим камчиликлардан ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларининг соғломлаштириш йўналишидаги жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш муаммолари бўйича Т.С. Усманходжаев, К.М. Махкамжонов (2017), Ш.Ў. Атамуродов (2018), Ш.Д. Абдуллаев, З.Ш. Юсупова (2019) каби олимлар эса ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигида ёш хусусиятлари етакчи омил эканлигини аниқлашган. Хорижий олимлар J. Willson (2001), P. Kocur (2006), C. Oakley (2008), W. Claire (2009), C. Walter (2009), M. Hagen (2011), S. Girold (2017), B. Pellegrini (2017), A. Grainer (2017), V. Bullo (2018) ва бошқалар скандинавия усулида юриш бўйича изланишлар олиб боришган.

Қиёсий таҳлил натижалари бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан ташқари вақтларидан унумли фойдаланиб, инновацион методлар ёрдамида скандинавия усулида юришни кўллаш орқали саломатлигини мустаҳкамлаш, функционал ривожлантириш ва ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари етарли эмаслиги, тадқиқот предмети сифатида тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг методлари ва ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, математик статистика услуби, тадқиқотнинг ташкил қилинишида уларни кўллаш услубиёти ва шартлари батафсил ёритилган. Диссертация ишини бажариш ва ташкил қилиш учун фойдаланилган илмий тадқиқот методлари ёритилган. Бошланғич синф ўқувчиларига скандинавия усулида юриш машғулотлари тизими ва мазмунини такомиллаштиришда илмий-амалий усулларда фойдаланилган. Шунингдек, ушбу бобда бошланғич синф ўқувчиларининг умумий ва махсус, техник-тактик тайёргарликларини баҳолаш учун тестлар келтирилган.

Диссертациянинг тадқиқотлари тўрт босқичда ўтказилди.

Биринчи босқич – аналитик ва методик босқич маҳаллий ҳамда хорижий адабиётлардан илмий мавзунинг долзарблигини ўрганиш ва илмий асослаш. Илмий аппарат ва тадқиқот лойиҳасини ишлаб чиқиш, илмий фаразни яратиш масалаларига бағишланган.

Иккинчи босқич – режалаштириш ва амалга ошириш босқичи скандинавия усулида юришдан фойдаланган ҳолда дарсдан ташқари

жисмоний тарбия машғулотларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва такомиллаштириш амалга оширилган. Бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан ташқари вақтларида скандинавия юриш воситаларидан фойдаланган ҳолда машғулотлар ўтказиш усуллари жорий этиш йўллари ўрганилди. Ушбу босқичда бошланғич синф ўқувчиларидан эксперимент ўтказилди. Экспериментда жисмоний тайёргарлик даражаси, функционал ҳолатини баҳолаш бўйича дастлабки тест ўтказилди. Йиғилган материаллар экспериментал гуруҳларда машғулотларнинг мазмунини ва асосини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Учинчи босқич – назорат ва текшириш босқичи педагогик тадқиқот ўтказилди. Таҷриба бошида ва охирида ўқувчиларнинг жисмоний саломатлиги, функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги даражаси синовдан ўтказилди, бу эса ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларида скандинавия усулида юриш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларининг самарадорлигини баҳолашга имкон берди.

Тўртинчи босқич - олинган маълумотларни тизимлаштириш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва талқин қилиш, информацион кўрсаткичлар ва мезонларни аниқлаш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, хулосалар, амалий тавсиялар ва диссертацияни расмийлаштириш ишлари олиб борилди.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларига дарсдан ташқари вақтларида соғломлаштирувчи скандинавча юришни қўллаш восита ва методлари”** деб номланган учинчи бобда бошланғич синф ўқувчиларининг умумий саломатлиги, функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлик даражасини ўрганиш натижалари, скандинавча юриш билан шуғулланувчи бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ва мониторинг қилиш дастури, бошланғич синф ўқувчиларини скандинавча юриш техникасига ўргатиш услубияти, бошланғич синф ўқувчиларига скандинавча юришни қўллашда махсус мобил иловадан фойдаланиш механизмининг методик хусусиятлари, скандинавия юришининг мустақил фаолияти учун ўзгартирилган Купер тестидан фойдаланиб, ўз-ўзини назорат қилиш услубияти каби масалаларга бағишланган бўлиб, спорт билан шуғуллантиришда болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини инобатга олган ҳолда юкламалар бериш масаласи, жисмоний тайёргарлик даражасини аниқловчи янги моделлар, усуллар ва технология воситаларнинг яратилиши талаби мавжудлигини кўрсатиб беради.

Бугунги кунда ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлашнинг янги механизмини яратиш тизимли тарзда машғулот юкламаларини меъёрлаш имконини беради. Биз таклиф қилаётган бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш тизимини ишлаб чиқишда компьютер технологияларидан фойдаланиш, бир қатор имкониятлар ва қулайликлар яратади.

Бошланғич синф ўқувчиларига дарсдан бўш вақтларида скандинавия усулида юришни қўллашнинг биринчи босқичида жисмоний тайёргарлик

даражасини баҳолаш шкаласи яратилиб, компьютер дастури ёрдамида баҳоланди. Дастурга мувофиқ шуғулланувчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлашда, скандинавия таёқчалари ёрдамида бажариладиган махсус тестлардан фойдаланилди. (2 - жадвалга қаранг).

2 - жадвал.

Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва мониторинг қилишда умумий меъёрлаш жадвали

Синов турлари	Ёш	Жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари					
		Юқори		Ўртача		Паст	
		ўғил	қиз	ўғил	қиз	ўғил	қиз
30 м. югуриш (с)	7-8	6,5	6,6	8,3	8,5	9,4	9,7
	9-10	6,2	6,5	7,1	7,8	9,2	9,9
Арқонда сакраш (1 дақ)	7-8	40	48	32	41	28	33
	9-10	54	69	45	58	36	47
Моқисмон югуриш 3x10 м (с)	7-8	12,2	13,7	14,8	15,3	17,3	18,6
	9-10	11,2	11,6	13,6	14,2	16,2	17,9
Скандинавия таёқчасини ушлаб чалқанча ётган ҳолда, гавдани кўтариш (марта)	7-8	7	6	5	4	3	2
	9-10	8	7	6	5	4	3
Турган жойдан узунликка сакраш (см)	7-8	95	80	70	65	60	50
	9-10	110	105	95	90	80	75
Полга таянган ҳолатда қўлларни букиб ёзиш (марта)	7-8	9	6	7	4	5	2
	9-10	11	8	9	6	7	4
Турникда тортилиш (қизлар учун паст турникда) (марта)	7-8	5	6	4	5	3	4
	9-10	6	8	5	6	4	5
Скандинавия таёқчасига таянган ҳолатда ўтириб туриш (марта)	7-8	20	18	15	13	10	8
	9-10	25	22	20	17	15	12
400 м. скандинавча юриш (дақ, с)	7-8	5,50	6,20	7,20	7,50	8,10	8,40
	9-10	4,40	4,50	5,20	5,30	6,10	6,40

Баҳолаш жадвалини тузишда бошланғич синф ўқувчиларининг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда илмий – услубий адабиётлар асосида тестлар ишлаб чиқилди ва компьютер дастурига киритилди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний сифатларини баҳолаш ва мониторинг қилишда “30 м. югуриш”, “Арқонда сакраш”, “3x10 м. га моқисмон югуриш”, “Скандинавия таёқчасини ушлаб чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариш”, “Турган жойдан узунликка сакраш”, “Турникда тортилиш (қизлар усун паст турникда)”, “Скандинавия таёқчасига таянган ҳолатда ўтириб туриш”, “400 м. скандинавча юриш” каби умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик даражасини аниқловчи ҳамда мониторинг қилувчи тестлардан фойдаланилди (1 расмга қаранг).

Бошлангич синф ўқувчиларини жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини мониторинг қилувчи компьютер дастури - Microsoft Excel

АВВҮҮ FineReader12

Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш

№ И.О	30 м югуриш (с)	Арқонда сакраш (1 дак)	Максимон югуриш 3x10 м (с)	Скардлави таёқчасини ушлаб ётган холда тавлави кўтарш (марта)	Турган жойдан узунликка сакраш (см)	Пола таянган холда кўллари буюб ёшиш (марта)	Туриқда тортиш (кзилар учун пласт туриқда) (марта)	Скардлави таёқчасига таянган холдаги туриш(марта)	400 м скардлавича юриш (дак, с)
1 А.ЖР.	7,15	32	11,8	7	80,5	6	4	20	5,45
2 А.АХ.	5,24	34	13,4	6	81,4	4	2	24	5,09
3 А.ЖЖ.	7,04	29	12,5	5	79,7	8	4	25	6,44
4 А.ШЖ.	6,13	24	10	6	140	5	3	36	5,35
5 М.СМ.	6,11	31	12,1	5	78,3	7	6	23	4,13
6 Р.А.А.	7,54	20	9	6	77,4	10	3	27	6,27
7 С.О.Э.	6,12	31	13,5	4	80,8	2	4	30	6,45
8 С.И.Х.	7,01	18	14,1	7	100	6	2	22	7,13
9 С.Ш.З.	5,32	27	9	5	84,2	9	3	23	4,13
10 С.А.А.	7,53	31	10,5	7	78,7	3	6	17	6,08
11 В.М.А.	5,54	38	17	6	140	5	2	23	7,34
12 В.А.Б.	7,05	29	11	5	78,6	8	3	33	5,45
13 В.С.В.	5,43	30	13,2	6	140	11	4	15	6,32
14 В.М.Ш.	6,45	22	10	7	68,6	3	5	37	7,16
15 В.А.Н.	7,24	15	11,4	5	150	6	3	26	6,12
16 В.Ж.И.	7,15	31	13,5	5	76,4	7	4	22	5,54
17 Х.Ш.С.	5,45	27	9	3	150	4	2	26	5,46
18 Х.Ж.К.	7,08	29	12,3	6	76,4	3	3	18	5,03
19 Х.Ш.Р.	5,34	19	10	5	82,7	5	1	26	7,12
20 И.Ж.А.	5,15	32	12,1	6	100	9	4	37	5,26
21 И.Р.В.	5,27	20	9	7	81,7	12	2	16	5,16
22 Ж.Р.Ж.	6,41	35	11,4	6	150	8	4	31	4,32
23 Ж.Е.Л.	7,28	15	12,3	4	83,7	4	3	23	5,45
24 Қ.Р.Қ.	7,22	28	9	7	140	7	7	38	7,18
25 Ё.Ж.Л.	5,35	32	12,3	5	79,7	4	3	27	5,08

Готово

Үйил 7-8 / Үйил 9-10 / Үйил 7-8 натижа / Үйил 9-10 натижа / Қизлар 7-8 / Қизлар 9-10 / Қизлар 7-8 натижа / Қизлар 9-10 натижа / 55%

1 – расм. Бошлангич синф ўқувчиларининг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини мониторинг қилувчи "Skap.Hod" компьютер дастури

Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини аниқловчи ”Scan.Xod” дастуридан фойдаланиш босқичлари:

Биринчи босқич - амалий ўлчовлар. Амалий ўлчовларда бошланғич синф ўқувчиларининг барча маълумотлари олингандан сўнг, уларни ”Scan.Xod” компьютер дастурининг Microsoft Office Excel қисмига жойланади.

Иккинчи босқич - натижаларни ҳисоблаш. Олинган амалий ўлчов натижаларига кўра жисмоний тайёргарликни индивидуал ва гуруҳ кўрсаткичлари формулалар асосида ҳисобланади. Болаларнинг жисмоний кўрсаткичларини аниқлашда махсус тестлар ҳамда мазкур компьютер дастурига олдиндан киритилган маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади.

Учинчи босқич - баҳолаш. Аниқланган амалий ўлчовлар натижалари, белгиланган ўқув дастурининг талаблари билан таққосланади. Тажриба синов ишининг якунида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик даражасини, тўплаган балларига қараб компьютер дастурининг ўзи учта “Юқори”, “Ўртача”, “Паст” типларга ажратади.


Скандинавча юриш техникаси ўргатиш бўйича илмий услубий адабиётлар ва интернет ресурсларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, мавжуд маълумотларда асосан скандинавия таёқчаси билан қиздирувчи ҳамда умумривожлантирувчи машқлар тақдим этилган. Уларнинг асосий тасири анатомик ҳолатни яхшилашга қаратилган.

Бу ҳолат бизни махсус танланган ва ишлаб чиқилган ҳаракатли ўйинлар, гимнастика ва скандинавия таёқчаси ёрдамида бажариладиган машқларни таснифлашга мажбур қилди (2 – расмга қаранг).




2 – расм. Скандинавча юриш техникасига ўргатиш методикаси


Ҳаракатли ўйинлар, гимнастика ва скандинавия таёқчасида бажариладиган машқларни 3 та методик блокка ажратиб чиқдик, бу эса шуғулланувчи болаларнинг индивидуал жисмоний сифатларини ривожлантиради ҳамда скандинавча юриш техникасига ўргатади.



3 – расм. Гимнастика таёқчаси ёрдамида бажариладиган УРМ ёрдамида скандинавча юриш техникасига ўргатиш.



4 – расм. Скандинавия таёқчаси ёрдамида бажариладиган махсус машқлар ёрдамида скандинавча юриш техникасига ўргатиш.



5 – расм. Харакатли ўйинлар ёрдамида скандинавча юриш техникасига ўргатиш.

Диссертациянинг “Бошланғич синф ўқучиларига соғломлаштирувчи скандинавча юришни қўллаш бўйича ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини тажрибада асослаш” деб номланган тўртинчи бобида педагогик тажриба бошида назорат ва тажриба гуруҳлари ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва функционал тайёргарлик кўрсаткичларининг статистик таҳлили натижалари батафсил баён қилинган.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 2-сонли умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқувчилари (4 синф ўқувчилари, жами 10 ёшдаги 72 нафар ўқувчи, улардан 36 нафари ўғил болалар ва 36 нафари қиз болалар) қатнашдилар. Тадқиқотнинг барча қатнашчилари (n=144) икки гуруҳга ажратилди: тажриба (ТГ) ва назорат (НГ) гуруҳлари. Гуруҳлардаги болалар сони бир хил (n=72) бўлди. Назорат гуруҳи дарсдан бўш вақтлари анъанавий тарзда, тажриба гуруҳида эса биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган методика асосида ўтказилди.

Педагогик тажриба бошида текширилаётган бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари қиёсий статистик таҳлил қилинди (3-жадвалга қаранг).

3 – жадвал

Педагогик тадқиқот бошида текширилаётган бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари статистик таҳлили (n=144)

Синов турлари	Жинси	Назорат гуруҳи n=72		Тажриба гуруҳи n=72		t	P
		($\bar{X} \pm \sigma$)	V %	($\bar{X} \pm \sigma$)	V %		
30 м. га югуриш (с)	Ў	6,01±0,54	8,98	6,11±0,58	9,50	1,35	>0,05
	Қ	6,42±0,65	10,12	6,30±0,69	10,95	1,26	>0,05
Аркинда сакраш (1 дақ)	Ў	58,13±6,62	11,38	58,54±6,52	11,14	0,51	>0,05
	Қ	78,41±8,19	10,44	77,62±8,01	10,31	0,83	>0,05
Моқисимон югуриш 3x10 м. (с)	Ў	11,12±1,37	12,32	11,21±1,46	13,02	0,60	>0,05
	Қ	11,54±1,38	11,54	11,70±0,97	8,29	1,42	>0,05
Скан.таёқчасини ушлаб, чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариш (марта)	Ў	7,02±0,69	9,82	7,13±0,84	11,78	1,14	>0,05
	Қ	6,81±0,82	12,04	6,91±0,79	11,43	1,06	>0,05
Турган жойидан узунликка сакраш (см)	Ў	112,32±9,81	8,73	114,20±10,81	9,46	1,87	>0,05
	Қ	109,34±11,32	10,35	106,94±10,71	10,01	1,85	>0,05
Полга таянган ҳолатда қўлларни буқиб ёзиш (марта)	Ў	15,08±1,68	11,14	15,37±1,61	10,47	0,94	>0,05
	Қ	10,22±1,50	14,67	10,32±1,44	13,95	0,57	>0,05
Турникда тортилиш (қизлар учун паст турникда) (марта)	Ў	4,16±0,52	12,51	4,25±0,57	13,41	1,40	>0,05
	Қ	8,05±0,77	9,56	8,25±0,97	11,75	1,95	>0,05
Скан.таёқ. таянган ҳолатда ўтириб туриш (марта)	Ў	35,12±3,71	10,56	34,35±3,45	10,04	1,90	>0,05
	Қ	27,61±2,94	10,64	28,32±3,21	11,33	1,93	>0,05
400 м га скандинавча юриш (дақ.с)	Ў	4,22±0,40	9,47	4,37±0,48	10,98	1,93	>0,05
	Қ	5,24±0,54	10,30	5,12±0,56	10,93	1,55	>0,05
12 дақиқалик скандинавча юриш (метр)	Ў	1115,31±118,20	10,59	1082,71±110,42	10,19	1,19	>0,05
	Қ	975,30±99,54	10,20	958,64±96,37	10,05	0,72	>0,05

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, жисмоний тайёргарликнинг ўнта кўрсаткичлар бўйича биз ишончли статистик фарқларни аниқламадик. Тажриба ва назорат гуруҳларига бир хил тайёргарлик даражасига эга бўлган болалар танлаб олинган, деган хулосага келиш учун асос бор ва бу педагогик тажрибани мақсадли амалга ошириш имконини беради.

Педагогик тажриба бошида текширилаётган бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва функционал тайёргарлик кўрсаткичлари қиёсий статистик таҳлил қилинди (4-жадвалга қаранг).

4 – жадвал

Педагогик тадқиқот бошида текширилаётган бошланғич синф ўқувчиларининг функционал тайёргарлик кўрсаткичларининг статистик таҳлили (n=144)

Кўрсаткичлар	Жинси	Назорат гуруҳи n=72		Тажриба гуруҳи n=72		t	P	
		($\bar{X} \pm \sigma$)	V %	($\bar{X} \pm \sigma$)	V %			
Тик турганда тана узунлиги (бўй) (см)	Ў	138,42±12,91	9,32	136,24±12,27	9,10	1,44	>0,05	
	Қ	135,21±13,10	9,68	133,81±13,43	10,03	1,09	>0,05	
Тана оғирлиги (кг)	Ў	36,40±4,42	12,14	37,13±4,75	12,79	1,67	>0,05	
	Қ	34,82±4,47	12,83	33,90±3,94	11,62	1,83	>0,05	
Кўкрак қафаси айланаси (см)	Тинч холатда	Ў	57,21±6,20	10,83	58,74±6,40	10,89	1,68	>0,05
		Қ	55,42±6,81	12,28	54,10±5,82	10,75	1,74	>0,05
	Нафас олганда	Ў	61,72±7,13	11,55	63,13±7,15	11,32	1,68	>0,05
		Қ	59,67±7,43	12,45	58,4±7,70	13,18	1,34	>0,05
	Нафас чиқарганда	Ў	54,32±8,21	15,11	56,10±8,46	15,12	1,84	>0,05
		Қ	52,56±8,58	15,32	54,34±8,22	15,10	1,83	>0,05
Ўпканинг тириклик сифими (л)	Ў	1,64±0,10	6,09	1,61±0,11	6,87	1,71	>0,05	
	Қ	1,53±0,12	7,84	1,51±0,12	6,75	1,42	>0,05	
Руфье тести (с)	Ў	16,45±2,13	12,94	16,85±2,20	13,05	1,57	>0,05	
	Қ	15,42±2,21	14,33	14,23±2,06	14,47	1,58	>0,05	
Штанге синови (с)	Ў	25,20±3,25	12,89	24,61±3,14	12,76	1,61	>0,05	
	Қ	22,65±3,01	13,28	23,34±3,21	13,75	1,91	>0,05	
Генче синови (с)	Ў	20,32±2,73	13,43	19,82±2,80	14,12	0,89	>0,05	
	Қ	19,54±2,12	10,84	18,84±2,05	10,88	1,65	>0,05	

Педагогик тажриба охирида текширилаётган бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари қиёсий статистик таҳлил қилинди (5-жадвалга қаранг).

Жадвалда бошланғич синф ўғил болалар гуруҳида ўнта кўрсаткичлардан саккизтасида, қиз болалар гуруҳида эса еттитасида яхшиланишни кузатишимиз мумкин. Масалан, тажриба якунида 30 метрга югуриш ўғил болалар назорат гуруҳида 5,86±0,41 сонияни ташкил қилди, тажриба гуруҳида эса 5,56±0,52 сонияга ўзгарди, ТГ ва НГ ўртасидаги фарқ 0,30 сонияни ташкил етди. Статистик фарқлар ишончли (t=3,87; P<0,001).

педагогик тажрибанинг қизлар ўртасида 30 метрга югуриш назорат гуруҳида $6,17 \pm 0,80$ сонияни ташкил қилди, тажриба гуруҳида эса $5,73 \pm 0,72$ сонияга ўзгарди, ТГ ва НГ ўртасидаги фарқ $0,44$ сонияни ташкил этди. Гуруҳлар орасидаги фарқлар ($t=3,45$; $P<0,001$) ишончли (5-жадвалга қаранг).

5 – жадвал


Педагогик тажриба охирида текшириляётган бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг қийсий статистик таҳлили (n=144)

Синов турлари	Жинси	Назорат гуруҳи n=72		Тажриба гуруҳи n=72		t	p
		($\bar{X} \pm \sigma$)	V %	($\bar{X} \pm \sigma$)	V %		
30 м. га югуриш, (с)	Ў	$5,86 \pm 0,41$	7,99	$5,56 \pm 0,52$	9,35	3,87	<0,001
	Қ	$6,17 \pm 0,80$	13,29	$5,73 \pm 0,72$	12,56	3,45	<0,001
Арқонда сакраш (1 дак)	Ў	$61,21 \pm 7,54$	12,31	$64,73 \pm 7,20$	11,12	2,82	<0,01
	Қ	$82,63 \pm 8,84$	10,69	$87,15 \pm 9,27$	10,63	2,96	<0,01
Моқисимон югуриш 3x10 м. (с)	Ў	$10,72 \pm 1,19$	11,10	$10,31 \pm 1,30$	12,60	1,90	>0,05
	Қ	$11,25 \pm 1,45$	12,88	$10,83 \pm 1,45$	13,38	1,78	>0,05
Скандия таёқчасини ушлаб, чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариш (марта)	Ў	$7,43 \pm 0,80$	10,76	$8,12 \pm 0,91$	11,20	4,87	<0,001
	Қ	$7,05 \pm 0,91$	12,90	$7,61 \pm 0,84$	11,03	3,82	<0,001
Турган жойидан узунликка сакраш (см)	Ў	$115,34 \pm 10,64$	9,22	$121,27 \pm 11,46$	9,44	3,18	<0,01
	Қ	$111,65 \pm 12,62$	11,30	$116,46 \pm 12,35$	10,60	2,29	<0,05
Полга таянган ҳолатда кўлларни букиб ёзиш (марта)	Ў	$15,77 \pm 1,89$	11,98	$16,52 \pm 1,80$	10,89	2,42	<0,05
	Қ	$10,72 \pm 1,71$	15,95	$11,05 \pm 1,33$	12,03	1,28	>0,05
Турникда тортилиш (қизлар учун паст турникда) (марта)	Ў	$4,33 \pm 0,61$	14,08	$4,44 \pm 0,63$	14,18	1,06	>0,05
	Қ	$8,36 \pm 0,84$	10,04	$9,22 \pm 1,28$	13,88	4,75	<0,001
Скан.таёқ. таянган ҳолатда ўтириб туриш (марта)	Ў	$36,83 \pm 3,91$	10,61	$38,95 \pm 4,37$	11,05	3,02	<0,01
	Қ	$29,57 \pm 3,41$	11,55	$30,81 \pm 3,58$	11,62	2,21	<0,05
400 м га скандинавча юриш (дак.с)	Ў	$3,98 \pm 0,42$	11,25	$3,72 \pm 0,42$	11,29	3,70	<0,001
	Қ	$4,98 \pm 0,61$	12,24	$4,57 \pm 0,49$	10,72	4,41	<0,001
12 дақиқалик скандинавча юриш (метр)	Ў	$1168,23 \pm 122,10$	10,45	$1210,15 \pm 130,14$	10,75	1,96	>0,05
	Қ	$995,51 \pm 100,73$	10,11	$1031,34 \pm 105,10$	97,52	2,06	<0,05

Арқонда сакраш бўйича назорат гуруҳи ўғил болалар кўрсаткичлари $61,21 \pm 7,54$ марта, тажриба гуруҳида эса $64,73 \pm 7,20$ мартани ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқ $3,52$ марта, статистик фарқлар ишончли ($t=2,82$; $P<0,01$). Қизлар ўртасида арқонда сакраш бўйича назорат гуруҳида $82,63 \pm 8,84$ марта, тажриба гуруҳида эса $87,15 \pm 9,27$ мартани ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқ $4,52$ марта, статистик фарқлар ишончли ($t=2,96$; $p<0,01$) ташкил этди.

Кейинги кўрсаткич 3×10 м га моқисимон югуришда ўғил болалар гуруҳида статистик ишончли фарқлар кузатилмади, бироқ кичик ўзгаришлар

юзага келди: тажриба гуруҳида $10,72 \pm 1,19$ сония, назорат гуруҳида эса $10,31 \pm 1,30$ сония натижа қайд этилди ($t=1,90$; $P>0,05$). Ушбу кўрсаткич бўйича қиз болалар гуруҳида ҳам статистик ишончли фарқлар кузатилмади, тажриба гуруҳида $11,25 \pm 1,45$ сония, назорат гуруҳида эса $10,83 \pm 1,45$ сония натижа қайд этилди. Статистик ишлаб чиқиш орқали ($t=1,78$; $P>0,05$) тенг эканлиги аниқланди (6-расмга қаранг).



6 – расм. Педагогик тажриба охирида бошланғич синф тажриба ва назорат гуруҳларининг 3x10 м га моқисмон югуриш кўрсаткичлари ўзгариш фарқини ифодаловчи диаграмма.

Скандинавия таёқчасини ушлаб, чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтаришда ўғил болалар гуруҳида тажриба охирига келиб қуйидаги натижалар аниқланди: жумладан назорат гуруҳида $7,43 \pm 0,80$ марта, тажриба гуруҳида эса $8,12 \pm 0,91$ марта, гуруҳлар орасидаги фарқ $0,71$ мартани ташкил этди ($t=4,87$; $P<0,001$). Шу машқ бўйича қизлар назорат гуруҳида $7,05 \pm 0,91$ марта, тажриба гуруҳида эса $7,61 \pm 0,84$ марта, гуруҳлар орасидаги фарқ $0,56$ мартани ташкил этди. ($t=3,82$; $P<0,001$).


Бешинчи кўрсаткич турган жойидан узунликка сакраш машқида назорат гуруҳи ўғил болаларда $115,34 \pm 10,64$ см, тажриба гуруҳида эса $121,27 \pm 11,46$ см натижалар кузатилди. НГ ва ТГ орасидаги фарқлар кўрсаткичи $5,93$ см ни ($t=3,18$; $P<0,01$) ташкил этди. Мазкур машқ бўйича қизлар назорат гуруҳида $111,65 \pm 12,62$ см, тажриба гуруҳида эса $116,46 \pm 12,35$ см натижалар кузатилди. НГ ва ТГ орасидаги фарқлар кўрсаткичи $4,81$ см ни ташкил этди, математик ҳисоблаш натижалари статистик фарқлар ишончли ($t=2,29$; $P<0,05$).

Полга таянган ҳолатда қўлларни букиб ёзиш бўйича тажриба якунида ўғил болалар назорат гуруҳи $15,77 \pm 1,89$ марта тажриба гуруҳи эса $16,52 \pm 1,80$ мартани ташкил этди ($t=2,42$; $P<0,05$). Натижалар ўртадаги фарқлар ишончли эмаслигидан далолат беради. Қизлар ўртасида полга таянган ҳолатда қўлларни букиб ёзиш бўйича назорат гуруҳи $10,72 \pm 1,71$ марта тажриба гуруҳи эса $11,05 \pm 1,33$ мартани ташкил этди гуруҳлар орасидаги фарқ

0,33 мартани ташкил этди ($t=1,28$; $P>0,05$). Бу ўртадаги фарқлар ишончли эмаслигидан далолат беради.

Турникда тортилиш бўйича ўғил болалар назорат гуруҳида $4,33\pm 0,61$ марта, тажриба гуруҳида эса $4,44\pm 0,63$ мартани ташкил этди, ёки НГ ва ТГ ўртача 0,11 марта фарқни ($t=1,06$; $P>0,05$) ташкил этди. Паст турникда тортилиш бўйича қизлар назорат гуруҳида $8,36\pm 0,84$ марта, тажриба гуруҳида эса $9,22\pm 1,28$ мартани ташкил этди, ёки НГ ва ТГ ўртасидаги фарқ 0,86 мартани ($t=4,75$; $P<0,001$) ташкил этди.

